



Toshkent sh.

2014 yil 07 may

33-sonli

БОШҚАРУВ МАЖЛИСИ БАЁНИДАН КҮЧИРМА

Мажлисга Бошқарув раиси Отажонов Н.С. раислик қилди.

Котиб - Абдуманнонов М.И.

"O'ZQISHLOQXO'JALIKMASHLIZING"
ALK

Кун тартиби:

ASLIGA TO'G'RI
IMZOLIBIQCHI 2014 YIL

1. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компаниясининг Сифат бошқарув тизимини ISO 9001 (2008 йил шакли) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган хужжатларни тасдиқлаш тұғрисида.

1. Эшитилди,

Б.Юсупов – Компания бошқарув тизимига ISO 9001 халқаро стандартини татбиқ этиш бўйича консалтинг хизмати кўрсатувчи ходим

Сифат бошқарув тизимини ISO 9001 (2008 йил шакли) стандартларига мувофиқ стандартлаштириш ўзгарувчан ташки ва ички шароитлардан қатъий назар маҳсулот ёки хизматларнинг ўзгармас юқори сифатини кафолатлаши, айнан шунинг учун Компанияни ривожлантиришнинг энг самарали методларидан бири – бу Сифат бошқарув тизимини жорий қилиш ва уни ИСО 9001 халқаро стандартларига мувофиқ сертификатлаштириш эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Стандарт талабларини жорий қилиш сезиларли ички натижаларга эришишга имкон беради, жумладан:

- Фаолиятни бошқариш самарадорлигини ошиши;
- Фаолиятнинг шаффофлигини яратиш;
- Фаолият юритишдаги йўл кўйилган хато ва камчиликларни олдини олиш ва асосланмаган харажатларни камайтириш;
- Бизнес-жараёнларни оптималлаштириш.

Шунинг учун "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси бошқарув тизимини Халқаро ISO 9001 (2008 йил шакли) талабларига мослаштириш ҳамда менежмент сифат тизимини ишлаб чиқиш ва фаолиятга татбиқ этиш талаб этилади.

Юқорида баён этилганига мувофиқ, Компания ижроия аппарати, "UzMashLizing" шўъба корхонаси ва Тошкент вилоят филиали томонидан барча хужжатлар сифат менежмент талабларига мослаштирилиб қўйидаги:

- ДСК – 03 "Сифат соҳасидаги кўлланма;
- ПСК – 01 "Хужжатлар ва ёзувларни бошқариш тартиби";
- ПСК – 02 "Компания тизимида ички аудитларини ўтказиш тартиби";
- ПСК – 03 "Тузатиш ва олдини олиш ҳаракатлар, ҳамда номувофиқ хизматларни бошқариш тартиби";
- ПСК – 04 "Лавозим йўрикномалари ва бўлим низомларини ишлаб чиқиш тартиби";

- ПСК – 05 “Товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш тартиби”;
- ПСК – 06 “Компания тизимида шартномаларни бошқариш тартиби”;
- ДПСК – 01 “Стратегик режалаштириш жараёни”;
- ДПСК – 2.1 “Истельмолчилар билан алоқалар жараёни”;
- ДПСК – 2.1 – 01 “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясида лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”;
- ДПСК – 2.1 – 02 “UzMashLizing” шўъба корхонасида лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”;
- ДПСК – 2.1– 03 “Компания филиалларида лизинг олувчи томонидан лизингга техника олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар асосида унинг тўлов қобилиятини ўрганиш ва “лизингни бутун муддати учун лизинг тўловларининг қопланиши прогнозини кўрсатувчи бизнес-режа” лойиҳасини экспертизадан ўтказиш бўйича тартиб”;
- ДПСК – 2.1 – 04 “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси худудий филиали эксперт кенгаши тўғрисидаги низом”;
- ДПСК – 2.2 “Харидларни бошқариш жараёни”;
- ДПСК – 2.3 “Лизинг шартномалари мониторинги жараёни”;
- ДПСК – 03 “Ресурсларни бошқариш жараёни”;
- ДПСК – 03 – 01 “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ижроия аппарати ва худудий филиалларга ишга қабул қилинадиган ходимларга қўйиладиган малакавий талаблар”;
- ДПСК – 03 – 02 “Компьютер ва перифирия воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома” ишлаб чиқилганлигини маълум қилди.

Компанияда Сифат бошқарув тизими ISO 9001 (2008 йил шакли) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳужжатларни Компания Бошқарув йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши ҳамда таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тасдиқланишини Бошқарув йиғилишига таклиф киритилди.

(Н.Отажонов, П.Ходжиев, Ш.Қодирова, Б.Таслимов, Б.Рузметов, Н.Отажонов)

Қарор қилинди:

1. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясининг Сифат бошқарув тизими ISO 9001 (2008 йил шакли) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳужжатлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Умумий масалалар сектори Умумий масалалар бўйича бош мутахассис (Абдуманнонов) “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясининг Сифат бошқарув тизими ISO 9001 (2008 йил шакли) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳужжатларни Тошкент вилоят филиали ва “Ўзмашлизинг” шўъба корхонасига етказиш топширилсин.
3. Компания ижроия аппаратининг барча бўлим бошликлари, Тошкент вилоят филиали ва “Ўзмашлизинг” шўъба корхонаси директорларига барча ходимларни Сифат бошқарув тизими ISO 9001 (2008 йил шакли) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳужжатлар мазмуни билан чукур таништирилишини ва унга риоя этилишини таъминласинлар.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув аъзолари зиммасига юклатилсин.



 "O'ZQISHLOQXO 'JALIKMASHLIZING"
 ALK
 ASLIGA TO'G'RI
 IMZO "8" 2015 YIL
 2015 YIL



АЛК «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг»

Компания Бошқарувининг

2014 йил «07» майдаги 33-сонли

карори билан

ТАСДИҚЛАНГАН



“ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНГ” АКЦИЯДОРЛИК ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ ДПСК-2.1-01

СТАТУС ДОКУМЕНТА «ЭЛЕКТРОННЫЙ ДОКУМЕНТ»	
копия №	дата
подпись	Илановъ

Ушбу хужкат «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компаниясининг мулки ҳисобланади.
Ушбу хужкатда келтирилган маълумотлардан корхона ходимлари бўлмаган шаҳслар томонидан бошқа мақсадлар учун
фойдаланиш, кўчириш корхона раҳбариятининг руҳсатисиз амалга оширилмайди. Хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш хужкатнинг асл нусхасида амалга оширилади.

Мундарижа

Үзгаришларни қайд этиш варақчаси.....	4
1. Хужжатнинг мақсади	5
2. Хужжат қўпланилиш доираси.....	5
3. Норматив хужжатларга ҳаволалар	5
4. Термин ва атамалар	5
5. Жабовгарлик.....	5
6. Лизинг операцияларини үтказиш тартиби.....	6
6.1 Умумий коидалар	6
6.2 Лизинг хизматлари кўрсатилишининг асосий шартлари ва лизингни амалга ошириш босқичлари	6
6.3 Лизинг шартномаси иштирокчиларининг ва мажбуриятлари.....	10
6.4 Лизинг объектини давлат руйхатидан үтказиш, кафолатли муддат ва ундан кейинги даврда таъмирлаш ва сервис хизматини кўрсатиш, йиллик техник кўриқдан үтказиш ва ундан фойдаланишининг бошқа шартлари.....	11
6.5 Лизингга берилган мол-мулқдан фойдаланишни мониторингдан үтказиш тартиби	13
7. Низом ёзувлари.....	15
8. Низомни сақлаш тартиби.....	15
9. Иловалар	15
1-чи илова: Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга олиш учун буюртма шакли;	16
2-чи илова: Қишлоқ хўжалиги техникасини қабул қилиш – топшириш далолатномаси;	17
3-чи илова: Лизингга берилган төъникаларга техник мониторинг үтказганлиги тўғрисида мониторинг шакли.	18
10. Низомни тарқатиш тартиби	24
11. Танишишларни рўйхатга олиш варағи	24

Ўзгаришларни қайд этиш варақчаси

Ўзгариш №	Ўзгариш таркиби	Тасдиқланган	Кучга кирган	Хужжат юритишига масъул имзоси

1. Хужжатнинг мақсади

Ушбу хужжатнинг мақсади “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясида (кейинги ўринларда “Компания”) лизинг операцияларини ўтказишни ягона тартибини белгилаб беришдан иборатdir.

2. Хужжат қўлланилиш доираси

Ушбу хужжат Компаниянинг ижроия аппарати ва барча худудий филиалларида қўлланилади.

3. Норматив хужжатларга ҳаволалар

- ISO 9000:2005 –Сифат менеджменти тизими–Асосий қоидалар ва луғат;
- ISO 9001:2008 –Сифат менеджменти тизими – Талаблар;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарори №424 02.11.2000 йил «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора тадбирлари түғрисида»;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарори №486 30.10.1999 йил «"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компаниясини ташкил қилиш түғрисида»;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори №ПҚ-1304 19 март 2010 йил ««CLAAS» концерни билан хамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этиш түғрисида»;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, 1995 йил 21 декабрь 163-Ісон Қонун ва 1996 йил 29 август 256-І сон Қонун;
- Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг түғрисида”ги Қонуни, 1999 йил 14 апрелдаги 759-І сон Қонуни;
- “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК “Лизинг сиёсати”, Бошқарувнинг 2013 йил 30 декабрдаги 99-сон қарори;
- Жараён №2.1 «Истеъмолчилар билан алоқалар» (ДПСК-2.1);
- Жараён №2.3 «Лизинг шартномалари мониторинги» (ДПСК-2.3);
- Документлар ва ёзувларни бошқариш процедураси (ПСК-01);
- Шартномаларни бошқариш процедураси (ПСК-06)

4. Термин ва атамалар.

Лизинг субъеклари	лизинг берувчи, лизинг олевучи ва сотувчи
Лизинг берувчи	лизинг шартномаси буйича кейинчалик лизинг олевчига топшириш максадида лизинг обьектини мулк килиб сотиб олевучи "UzMashLizing" шўъба корхонаси
Лизинг олевучи	лизинг шартномасига кура лизинг берувчидан лизинг обьектини уз эгалигига ва фойдаланиш учун олевучи юридик шахс
Сотувчи	лизинг обьекгини лизинг берувчига сотаётган юридик шахс
Лизинг обьекти	лизинг олевчиларга уларнинг буюртма хатларига мувофик лизинг берувчи томонидан сотиб олиниб, лизингта етказиб бериладиган комбайнлар, тракторлар ва бошка қишлоқ хўжалик техникалари
Компания	“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси
Шўъба корхона	“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси томонидан ташкил этилган "UzMashLizing" шўъба корхонаси
Молия агенти	Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига асосан Шўъба корхонанинг барча ҳисоб - китобларига молиявий хизмат кўрсатиш, лизинг олевчилар ва қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган шартномалари буйича тўловлар хамда узаро молиявий

Тахрир №0

6 Бет

мажбуриятларнинг уз вактида бажарилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи юридик шахс – Акциядорлик тижорат банки "Агробанк" ва унинг худудий бошкармалари

Сұғурта агенти

Лизингга берилаёттап техникани сұгурталаш вазифаларини бажарувчи юридик шахс

Жамғарма

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли карорига мувофик “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниясини карз маблағлари билан таъминлаш вазифаси юклатилган Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги техника билан таъминлашни давлат томонидан кўллаб-қуваатлаш жамгармаси

Техник мониторинг

лизинг берувчининг ваколатли вакили томонидан лизинг шартномасида келишилган муддатларда лизинг олувчининг лизинг обьектидан кандай шароитларда фойдаланилаётганинги мониторингдан ўтказиш жараёни

5. Жабовгарлик.

Ушбу Низом талабларини амалга оширишга компания худудий филиаллари қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш ва мониторинг бўлими, бухгалтерия бўлими ва юридик хизмат ходимлари масъулдирлар.

6. Лизинг операцияларини ўтказиш тартиби.

6.1 Умумий коидалар

6.1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Лизинг түғрисида"ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонунчилиги меъёрлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компаниясини ташкил этиш түғрисида"ги, 2000 йил 2 ноябрядаги 424-сонли "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари түғрисида"ги, қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси ва унинг филиаллари томонидан лизинг операцияларини ўтказишни тартиба солади.

6.1.2. Лизинг - молиявий ижаранинг алоҳида тури булиб, унда бир тараф (ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ) иккинчи тарафнинг (ЛИЗИНГ ОЛУВЧИНИНГ) топшириғига биноан учинчи тарафдан (СОТУВЧИДАН) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мulkни (ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ) мулк килиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда хақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси амалдаги қонунчилик меъёрлари талабларига мос бўлиши лозим.

6.1.3. Компаниянинг ўз маблаглари, карзга олинган ва амалдаги конунчилликка мувофик топилган хар кандай бошка маблағлар лизинг операцияларини амалга ошириш манбаъи ҳисобланади.

6.2 Лизинг хизматлари кўрсатилишининг асосий шартлари ва лизингни амалга ошириш босқичлари

6.2.1 Лизинг хизматлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган молиявий барқарор фермер хўжаликларида Компаниянинг худудий филиаллари томонидан лизинг мол-мulkни сотиб олиш учун молиялаштирилган маблағларнинг тўланиши муддатлилиги таъминланганлиги ва қайтарилиши шартларида тақдим этилади.

6.2.2. Лизингда тарафлар розилигига кўра қонунларда белгиланган меъёрларда лизинг обьектини жадал амортизация қилиниши қўллашга руҳсат этилади.

6.2.3. Лизинг шартномасига боғлиқ равища сарфланган маблағлар айтарилишининг кафолати сифатида лизинг олувчидан гаров таъминоти, банк кафолати ёки учинчи шахс кафиллиги кўринишидаги таъминлаш берилишини хамда кафилнинг молиявий аҳволи түғрисидаги молиявий хужжатларни хам тақдим этилиши талаб этилади.

Тахрир №0

7 Бет

6.2.4. Лизинг олувчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон карори талабига мувофик лизинг буйича олинган (олинаётган) мол-мулкни ёнгин, бўрон, довул, жала, портлаш, кўчки, тупрокни чўкиши, емирилиши, сел, яшин уриши, зилзила, йул-транспорт ходисалари, ўғрилик, олиб кочиш, босқинчилик, учинчи шахс томонидан атайлаб килинган хатти-харакат натижасида шикастланиш ва йўқотиш билан боғлиқ бўлган тарздаги хар кандай етказилиши мумкин бўлган заардан лизинг берувчи фойдасига суғурталашни амалга оширади ва суғурта полисини лизинг берувчига тақдим этади.

6.2.5. Лизинг берувчи томонидан Молња вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш жамғармасидан қарзга олинган маблағ эвазига сотиб олинган комбайнлар, тракторлар ва бошка ўрим-ийғим техникаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли карори билан тасдиқланган "Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби"га мувофик, мазкур "Низом" асосида ва лизинг шартномасида қелишилган шартларда лизинга берилади.

6.2.6. Лизингни амалга ошириш қуйидаги босқичларга бўлинади;

а) мол-мулкни лизингга олиш бўйича лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг обьектининг русуми, сони ва сотувчи (ишлаб чиқарувчи)сини курсатган холда буюртма хат билан мурожаат қилиниши (хатга мазкур Низомнинг 10-моддасида қайд этилган хужжатлар илова қилинади);

б) лизинг олувчи томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида унинг толов қобилиятини ўрганилиши ва "Лизингни бутун муддати учун лизинг толовларининг қопланиши прогнозини кўрсатувчи бизнесс-режа" (бундан қейинги матида "бизнес - режа") лойиҳасини экспертизадан үтказилиши хамда натижаси буйича Эксперт хulosасининг чиқарилиши;

в) чиқарилган Эксперт хulosасини Худудий филиал Эксперт кенгashi йигилиши томонидан кўриб чиқилиши ва мол-мулкни лизингга бериш, беришни рад этиш масаласида якуний қарор қабул қилиниши;

г) Эксперт кенгashi йиғлишида мол-мулкни лизингга беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу хақда Буюртма берган хўжаликка сабаби кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилиши;

д) Эксперт кенгashi йиғлишида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасида лизинг шартномасини тузилиши;

е) лизинг обьекти учун лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида олди-сотди шартномасини тузилиши;

ё) лизинг олувчи томонидан лизинг обьектини суғурталашни амалга оширилиши ва суғурта полисини лизинг берувчига тақдим этилиши;

ж) лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига таъминот (гаров, банк қафолати ёки учинчи шахс қафиллиги шартномаси) тақдим этилиши;

з) лизинг шартномасида белгиланган миқдордаги аванс тўловларини лизинг олувчи томонидан тўлаб берилиши;

и) лизинг берувчи томонидан қарз (еки кредит) маблағларини шартнома асосида лизинг лойиҳасига жалб этилиши;

к) олди-сотди ва лизинг шартномаларида назарда тутилган муддатларда, лизинг обьектини ўрнатилган тартибда сотувчидан лизинг берувчига ва лизинг берувчидан лизинг олувчига расмийлаштириб берилиши;

л) лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчи томонидан лизинг обьектини давлат рўйхатидан үтказилиши хамда ягона номер беягиси, техник паспорт ва техник талонни олиниши;

Тахрир №0

8 Бет

м) амалдаги қонунчилиқда ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда лизинг олувчи томонидан лизинг объектини “ЎзКейссервис” ёки “ЎзКЛАССервис” қўшма корхонаси тизимидағи худудий корхоналар ёки Вилоят техник сервис марказларида рўйхатга қўйиш ва улар билан сервис хизмати кўрсатилиши бўйича шартномалар тузилишини таъминланиши;

н) лизинг берувчи ва сотувчи ортасида олди-сотди шартномаси бойича ягуний хисоб-гитобларни амалга оширилиши;

о) лизинг олувчи томонидан лизинг шартномасида белгиланган муддатларда ва миқдорларда лизинг тўловларини тўланиши;

п) лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг берувчи ёки “Ўздавтехназорат” инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспекторлари томонидан лизинг олувчининг лизинг объектидан қандай шароитларда ва мақсадли фойдаланилаётганлигини техник мониторингдан ўтказилиши;

р) лизинг олувчи томонидан барча лизинг тўловлари (ва лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича қилган харажатлари)ни тўлиқ тўлаб лизинг объектини сотиб олиниши ва лизинг объектига бўлган мулқ хукуқининг томонлар ўртасида расмий паштирилган “Далолатнома” асосида лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтиши;

6.2.7. Трактор ва комбайнларни лизингга олиш учун лизинг олувчи томонидан қуйидаги хужжатлар компаниянинг худудий филиалларига тақдим этилади:

- расмий буюртма хати;
- юридик шахснинг давлат статистика органларидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги Гувоҳномаси нусхаси;
- лизингни бутун муддати учун лизинг тўловларининг қопланиши прогнозини кўрсатувчи “Бизнес-рсржа”;
- гаров (банк ёки учинчи шахс қафиллиги) шартномаси;
- лизингни бутун муддати учун суғурта полиси;

“Бизнес режа”нинг тўғри ва хаққоний ишлаб чиқилганлигини тасдиғи сифатида унга қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

- охириги ҳисобот санасига ҳудудий солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси нусхаси (балансдаги 2-шакл, бюджетга тўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари хақидаги маълумотнома билан бирга);

- лизинг олувчининг “Бизнес режаси”да банкдан олинган мақсадли кредитлардан лизинг тўловларини тўлаш учун йўналтирилиши мумкинлиги назарда тутилган булими (бети)дан кўчирма (лизинг олувчининг имзоси ва муҳри билаи тасдиқланган холда);

- лизинг олувчига қанча ер майдони ажратилганлиги ва унга экинларни жойлаштириш тўғрисидаги туман ҳокимлиги томонидан чиқарилган (ва Ҳокимият томонидан нусхасининг аслига түғрилиги хақида тасдиқланган) қарор нусхаси;

- Давлатга пахта ва ғалла сотиши бўйича жорий (яъни, лизингга техника олинаётган) йил учун тузилган контрактация шартномаларининг нусхаси.

- Кафиллик (гаров) шартномаси;
- Суғурта полиси;

Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга олишда:

- расмий буюртма хати;

- юридик шахснинг давлат статистика органларидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги Гувоҳномаси нусхаси;

- лизингни бутун муддати учун лизинг тўловларининг қопланиши прогнозини кўрсатувчи “Бизнес-режа”;

Фермерга қанча ер майдони ажратилганлиги тўғрисидаги ва унга экинларни жойлаштириш тўғрисидаги Туман ҳокимлиги томонидан чиқарилган (ва Ҳокимият томонидан нусхасининг аслига түғрилиги хақида тасдиқланган) қарор нусхаси.

- Кафиллик (гаров) шартномаси;

Тахрир №0

9 Бет

- Суғурта полиси;

Буюртма берувчи ўзи томонидан ишлаб чиқилган “Бизнес режа”нинг түгри ва ҳақоний ишлаб чиқилғанлигини тасдиғи сифатида унга охириги ҳисобот санасига худудий солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси нусхаси (балансдаги 2-шакл, бюджетта тўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома билан бирга)ни илова қиласди.

6.2.8. Янги ташкил этилган ва ҳудудий солиқ инспекцияси бухгалтерия балансини тасдиқлатиш учун топшириш муддати ҳали етиб келмаган лизинг олувчилардан бухгалтерия балансидан нусха топшириш талаб этилмайди.

6.2.9. Эксперт буюртмачи томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида унинг молиявий - ишлаб чиқариш имкониятлари таҳлил этилади, ҳамда **10 кундан** ортиқ бўлмаган муддатда Эксперт хulosаси тузилиб, Эксперт кенгашига киритилади.

6.2.10. Эксперт кенгashi “Бизнес режа” лойихасининг самарадорлиги бўйича тақдим этилган хужжатлар ва Эксперт хulosасини кўриб чиқсан холда лизинг олувчининг тўлов қобилиятини яна бир бор ўрганиб чиқади ҳамда очик овоз бериш йули билан (кўпчилик овоз билан) тегишли қарорни қабул қиласди. Қабул қилинган қарор мазмуни тўтрасида **5 кунлик муддат** ичida Буюртма берувчига хабар берилади.

Эксперт хulosаси асосида Эксперт кенгashi томонидан Ўзбекистан Республикаси “Лизинг тўтрасида”ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ лизинг шартномасига bogliq равишда сарфланган маблаглар қайтарилишининг қафолати сифатида лизинг олувчидан таъминлаш берилиши, шу жумладан гаров, банк ёки учинчи шахснинг кафиллиги куринишидаги таъминлаш берилиши асосидагина лизинг шартномасини тузиш тўтрасида қарор қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, Буюртма берувчидан гаров (банк ёки учинчи шахс кафиллиги) шартномасини тақдим этиш талаб этилади.

6.2.11. Тарафлар ўртасида лизинг шартномаси тузилади. Лизинг олувчи томонидан суғурта ташкилоти билан лизингга олинаётган техникани суғурталаш бўйича суғурта шартномаси тузилиб, ичida лизингни бутун муддати учун лизинг шартномасида белгиланган **10 кунлик муддатда** суғурта полиси олиб лизинг берувчига тақдим этилади.

6.2.12. Лизинг берувчи томонидан сотувчидан лизинг обьекти мулк килиб сотиб олинади ва лизинг шартномасида белгилаиган шартларда ҳақ эвазига эгалик килиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб берилганидан кейин лизинг операцияси амалга оширилган ҳисобланади.

6.2.13. Лизинг берувчи томонидан хар бир лизинг олувчи номига алоҳида хужжатлар йиғма жилди тузилади ва унда лизинг олувчининг қўйидаги хужжатлари жамланади:

- Лизинг олувчининг Буюртма хати;
- Юридик шахснинг давлат статистика органларидан руйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;
- Охириги ҳисобот санасига худудий солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (балансдаги 2-шакл, бюджетта тўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома билан бирга);
- Лизингнинг бутун муддати учун лизинг тўловларининг копланиши прогнозини кўрсатувчи Бизнес-режа;
- Лизинг олувчининг “Бизнес режаси”да банқдан олинган максадли кредитлардан лизинг тўловларини тўлаш учун йўналтирилиши мумкинлигни назарда тутилган бўлими (бети)дан кўчирма (лизинг олувчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда);
- Фермер ҳўжалигига канча ер майдони ажратилганлиги ва унга экинларни жойлаштириш тўтрасидаги Туман хокимлиги томонидан чиқарилган (ва Хокимият томонидан нусхасининг аслига туғрилиги ҳақида тасдиқланган) қарор нусхаси;

Тахрир №0

10 Бет

- Таъссис шартнома ва корхона Низоми (МТП, ММТП ва “Агротехсервис МТП” МЧЖлар учун)дан нусха;
- Давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича жорий (яъни, лизингга техника олинаетган) йил учун тузилган контрактация шартномаларининг нусхаси (Фермер хўжаликлари учун);
- Кўрсатиладиган механизация хизматлари учун тузилган шартномалар реестри (МТП, ММТП ва “Агротехсервис МТП” МЧЖлар учун);
- Лизинг олувчининг молиявий-ишлаб чиқариш имкониятларининг тахлили бўйича чиқарилган Эксперт хуносаси;
- Эксперт кенгашининг карори;
- Лизинг шартномаси (тўлов графиги билан) ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;
- Лизинг обьектини лизингни тўлик муддатига суғурталанганилиги түғрисидаги суғурта полиси, агар лизинг шартномасига мувофиқ тақдим этилиши назарда тутилган бўлса;
- Гаров (кафиллик) шартномаси ва гаров обьектига нотариус томонидан қўйилган таъқиқнома хати нусхаси;
- Лизинг обьектини қабул қилиб олиш - топшириш далолатномаси;
- Лизинг обьектидан унинг ўз белгиланган вазифасига ва ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгилаб қўйилган техник талаблар меъёрлари доирасида фойдаланилаётганлигини мониторингдан ўтказиш далолатномаси;
- Лизинг обьекти лизинг олувчи томонидан сотиб олинганидан сўнг, лизинг обьектига бўлган мулк ҳуқуқини лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтказилганлиги түғрисидаги далолатнома.

6.2.14. Лизинг шартномасига биноан лизинг олувчи лизинг обьектига лизинг муддатининг тўлиқ даври мобайнида эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукукини олади.

Лизинг - олувчи томонидан лизинг шартномаси бўйича ўз ҳукук, мажбурият ва бошка манфаатларини учинчи шахсга ўтказилишига лизинг берувчининг розилиги асосида тарафлар ўртасида имзоланадиган "Ҳукук ва мажбуриятларни учинчи шахсларга ўтказиш тўғрисида шартнома"га мувофиқ амалга оширилади

6.2.15. Агар лизинг шартномасида назарда тутилган бўлса, лизинг обьектини етказиб бериш (ёки жойига юклаб жўнатиш) билан боғлиқ бўлган харажатлар лизинг берувчининг зиммасига юклатилиши мумкин. Бу холла, лизинг берувчи томонидан қилинган харажатлар лизинг тўлови таркибига киритилгани ҳолда ёки шартнома умумий суммасига киритилган ҳолда лизинг олувчидан ундирилади.

6.2.16. Агар лизинг олувчи “Лизинг обьектини топшириш-қабул қилиш далолатномаси” асосида лизинг обьектини фойдаланишга қабул қилиб олганидан кейинги **10 кунлик муддат** мобайнида унинг камчиликлари ёки носозликлари түғрисида лизинг берувчига хабар қилмаса, лизинг обьектини қабул қилиб олиш тан олинган деб ҳисобланади.

6.2.17; Лизинг олувчи сотовчи томонидан лизинг обьектига кафолатли таъмирлаш муддати мобайнида берилган техник кафолатдан фойдаланади.

6.3 Лизинг шартномаси иштирокчиларининг ва мажбуриятлари

6.3.1. Лизинг шартномаси иштирокчиларининг ҳукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, “Лизинг тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳукукий базаси тўғрисида”ги ва бошка конунчиллик ҳужжатлари хамда ўзаро тузилган шартнома талаблари асосида тартибга солинади.

6.3.2. Лизинг шартномасида назарда тутилган таргибда, лизинг обьектиning емирилиши, тасодифан йуқолиши (нобуд булиши), ўгирланиши, муддатидан аввал эскириши, ейкпиши ва бузилиши билан булган барча хатарлар, заарни коплаш

Тахрир №0

11 Бет

имкони бор-йуклигидан катъий назар, лизинг муддати даврида лизинг олувчининг зиммасига ўтади.

6.3.3. Сотувчи ва лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасининг мол-мулк сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатларига тегишли бандлари бузилган ҳолларда ва сотувчи томонидан шартноманинг коникарсиз холатда бажарилиши юз берган бошка холатларда лизинг олувчи лизинг объектининг сотувчисига ўз талабларини бевосита тақдим этиш хукукига эга. Лекин, лизинг олувчи лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини бекор кила олмайди.

6.3.4. Агар лизинг шартномасида бошка холатлар кўзда тутилмаган булса, олди-сотди шартномасидан келиб чикадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг берувчи лизинг олувчи олдида жавобгар булмайди, сотувчини танлаш масъулияти лизинг берувчининг зиммасида бўлган холатлар бундан мустасно.

Кейинги холатда лизинг олувчи олди-согди шартномасидан келиб чикадиган талабларни ўз хоҳишига кўра бевосита лизинг объекти сотувчисига хам, лизинг берувчига хам уларнинг хар иккиси биргаликда жавобгар бўлганлиги сабабли тақдим этишга хакли.

6.3.5 Шарт-шароитларда жиддий ўзгаришлар юз берган ҳолларда тарафлар тузилган шартномари узаро келишув асосида ўзgartiriшлари ёки бекор кишилари мумкин. Шартномага ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш унга "Қўшимча келишув" расмийлаштириш оркали амалга оширилади.

6.3.6 Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг түғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий хукукий базаси түғрисида"ги конунлари ва улар ўртасида тузилган лизинг шартномаси коидалари билан тартибга солинади.

6.3.7 Мажбуриятари бажарилмаслиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун Томонлар бир-бирларини Ўзбекистон Республикасиининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси түғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонунчилик меъёрлари хамда ўзаро тузилган лизинг шартномасида кузда тутилган холатлар бўйича жавобгарликка тортишлари мумкин.

6.3.8 Лизинг олувчи банкрот бўлган, мол-мулки хатга олинган ёки мусодара килипган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига сўзсиз кайтарилади.

6.4. Лизинг шартномаси бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ушбу шартномада белгиланган тартибда бошқа шахс фойдасига воз кечиш тартиби

6.4.1. Лизинг шартномаси бўйича Лизинг олувчи барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан шартномада белгиланган тартибда бошқа шахс фойдасига Лизинг олувчи тугатилаётганида, Лизинг олувчи Лизинг берувчи олдидаги мажбуриятларни тўлиқ ва ёки қисман бажара олмай қолган тақдирда хамда бошқа холатлардан воз кечиши мумкин:

6.4.2. Лизинг шартномаси бўйича Лизинг олувчи барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан шартномада белгиланган тартибда бошқа шахс фойдасига воз кечиш учун тарафлар ўртасида уч тарафлама шартнома имзоланади.

6.4.3. Тарафлар ўртасида имзоланган шартномада Лизинг объекти бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шу жумладан лизинг объектидан фойдаланиш ҳуқуки, Лизинг объекти учун лизинг шартномасида белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлаб бўлингинидан кейин эгалик ҳуқуки ва шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар учинчи шахсга ўтади.

6.4.4. Тарафлар ўртасида имзоланадиган уч тарафлама шартнома ва техникани топшириш – қабул қилиш далолатномалари иловага мувофиқ амалга оширилади.

6.5 Лизинг объектини давлат руйхатидан ўтказиш, кафолатли муддат ва ундан кейинги даврда таъмирлаш ва сервис хизматини кўрсатиш, йиллик техник кўриқдан ўтказиш ва ундан фойдаланишнинг бошқа шартлари

6.5.1 Томонларнинг лизинг шартномаси бўйича келишувига мувофик барча техникалар лизинг муддати даврига лизинг берувчи номига руйхатга олинади. Бунда, ушбу техникаларни "Ўздавтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспекторлари орқали рўихатдан ўтказиб ягона номер белгисинн олиш, техник кўриқдан ўтказиш, техник паспорт ва техник талон учун тегишли йигимларини тулаш лизинг оловучи томонидан амалга оширилади.

6.5.2 Лизинг объектини "Ўздавтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспекторлари томонидан хар иили бир марта техник кўриқдан ўтказиш, йуқолган техник талон ўрнига янгисини олиш ва унинг учун тўланадиган йиғимларни амалга ошириш, техникани "Мулк хукукини ўтказиш далолатномаси" асосида ўз мулки қилиб олганидан кейинги **10 кунлик муддат** ичida уз номига кайта рўйхатдан ўтказиш (бунда, янги номер белгиси, янги техник паспорт ва техник талон олиш йигимларини тўлаш) лизинг шартномаси талабларидан келиб чиккан холда лизинг оловучи томонидан ва унинг ўз маблағи хисобидан амалга оширилади.

6.5.3 Лизинг обьекти, сотувчи (ишлаб чикарувчи) томонидан белгиланган ва лизинг шартномасида кайд этилган кафолатли таъмирлаш муддати ичida бузилган тақдирда, агарда бундай бузилиш лизинг обьектанинг ишлаб чикарилиши жараенида ишлаб чикарувчи томонидан йўл қўйилган нуқсон окибатида содир бўлган бўлса, сотувчи (ишлаб чикарувчи) томонидан кафолатли таъмирланади. Бунда, лизинг оловучи ёзма равишида сотувчига (ишлаб чикарувчига) эътироznома юборади ҳамда лизинг берувчини расман хабардор килади.

6.5.4 Сотувчи (ишлаб чикарувчи) эътироznомани олганидан сўнг **5 кунлик муддат** ичida ўз вакилини(ёки "UzCLASService" ёки "ЎзКейсСервис" қўшма корхонаси ходимини) лизинг обьектининг бузилиш сабабини аниглаш учун лизинг оловчининг маизилига юборади. Сотувчи (ишлаб чикарувчи) ва лизинг оловчнинг вакиллари иштирокида расмий кўринишдаги "Лизинг обьектини бузилиш сабаблари тўғрисида далолатнома" тузилади. Ушбу далолатноманинг бир нусҳаси сотувчи (ишлаб чикарувчи)га, иккинчи нусҳаси лизинг оловчига ва **учинчи нусҳаси** лизинг берувчига берилади.

6.5.5 Лизинг оловучи, ўз ҳукуклари бузилмаслигини кафолати сифатида "Давтехназорат" инспекцияси органи вакиликинг иштирокисиз тузилган "Лизинг обьекгини бузилиш сабаблари тўғрисида далолатнома"ни имзоламаслик хукукига эга.

6.5.6 Лизинг обьектининг кафолатли таъмирлаш муддати ичida бузилиши сотувчи (ишлаб чикарувчи)нинг айби билан содир бўлганлиги аниланган тақдирда, у эътироэнма кабул килиб олинган кундан бошлаб **10 иш куни** ичida сотувчи (ишлаб чикарувчи) томонидан текин тузатиб берилади.

6.5.7 Лизинг обьектининг бузилниши сотувчи (ишлаб чикарувчи) томонидан тасдиқланган **"Техникани ишлатиш ва сақлаш Коидалари тўғрисида"**ги Қўлланма талабларига риоя этмаслик окибатида лизинг оловчининг айбли хатти-харакатлари (ёки харакатсизлиги) туфайли содир бўлган бўлса, у холда лизинг обьекта лизинг оловчининг ўз маблағи хисобидан тузатилади.

6.5.8 Кафолатли таъмирлаш муддати тугаганидан кейинги даврда лизинг обьектига сервис хиэматини кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари лизинг оловчининг ўз маблағлари ҳисобидан, унинг билан тузиладиган алоҳида шартномалар асосида таъмирлаш ва сервис хизматани кўрсатиш корхокалари томонидан амалга оширилади.

6.5.9 Лизинг оловучи, лизинг обьектидан унинг техник паспортида курсатилган ўз вазифасига мувофик ҳамда техник имкониятлари даражасида фойдаланади ҳамда мазкур турдаги техникани бошкариш хукукини берувчи гувохномаси бор шахслар

Тахрир №0

13 Бет

томонидан техника хавфсизлиги коидаларига риоя килингани холда ишлатилишини таъмннлайди,

6.6 Лизингга берилган мол-мулқдан фойдаланиши мониторингдан үтказиш тартиби

6.6.1 Лизинг берувчи лизинг олувчининг лизинг обьектидан кандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган максадга мувофик ишлатаетганлигини лизинг шартномаси шартларига хамда конун хужжатлари талабларига мувофик назорат килишга хаклидир. Назорат сифатида лизинг обьекти, лизинг берувчининг ваколатли вакили ёки лизинг берувчи томонидан берилган ваколат сосида "Ўздавтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспекторлари томонидан техник мониторингдан үтказилади.

6.6.2 Техник мониторинг давомида қуидагилар аниқланади:

- лизинг обьектининг техник ҳолати (бутлиги, созлиги) ва лизинг олувчи томонидан лизинг берувчининг рухсатисиз учинчи шахсларга бериб юборилмаганлиги;
- лизинг олувчининг лизинг обьектидан унинг ўз белгиланган вазифасига ва ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгилаб қўйилган техник талаблар меъёрлари доирасида фойдаланилаётганлиги;
- белгиланган муддатларда лизинг обьектига техник сервис хизматлари ёки капитал таъмирлаш амалга оширилаётганлиги;
- лизинг обьектининг конструкциясига ваколатли орган ёки лизинг берувчининг рухсатисиз техник ўзгартиришлар киритилмаганлиги;
- лизинг обьектидан жадал емирилишга олиб келадиган даражада фойдаланилаётганлиги;
- лизинг обьектидан мото-ҳисоблагични атайлаб бузган ҳолда фойдаланилаётганлиги;
- лизинг обьектини давлат рўйхатидан үтказилганлиги ва ягона номер белгисини олинганлиги, агар ушбу русумдаги техникалар учун рўйхатдан үтказиш ва ягона номер белгисини олиш амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бўлса;
- лизинг обьектига техник сервис хизматларини кўрсатилиши бўйича республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларининг худудий (ёки бошқа таъмирлаш) корхоналари билан тегишлича шартномаларнинг тузилганлиги, агар уларни тузиш шартлиги лизинг шартномасида назарда тутилган бўлса;
- лизинг обьектини ўрнатилган талаблар даражасида сақланаётганлиги, агар у сақловга қўйилган бўлса;
- лизинг олувчи томонидан лизинг обьектини тегишлича бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлган шахсга бошқарувга берилганлиги;
- лизинг олувчи томонидан лизинг обьекти учун лизинг шартномасида белгиланган муддатларда ва микдорларда лизинг тўловларининг тўланаётганлиги.

Лизинг шартномасида тарафларнинг келишувига мувофик техник мониторинг предметининг бошка йуналишлари хам назарда тутилиши мумкин.

6.6.3 Техник мониторинг натижалари бўйича тарафлар ўртасида ўрнатилган тартибда белгиланган шаклдаги "Далолатнома" тузилади. Мазкур "Далолатнома"да лизинг берувчининг вакили аниклаган барча камчиликлар кайд этилади ва кўрсатилган камчиликларнинг лизинг олувчи томонидан тугатилиши учун бир ойгача бўлган муддатга мухлат белгиланади. Белгиланган муддат "Далолатнома"да кўрсатилади.

6.6.4 Лизингга олинган қишлоқ. хўжалик техникасининг бузилишида айбор бўлган лизинг олувчилар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортишгача булган даражада жавоб берадилар.

6.6.5 Техник мониторинг жараёнида аникланган камчиликларни белгиланган муддатда тугатмаган лизинг олувчига нисбаган лизинг берувчи амалдаги қонунчилик ва лизинг шартномасида назарда тутилган чораларни куллашга хакли.

6.7 Лизинг тўлови ва уни хисоб-китоб қилиш услубияти

6.7.1 Лизинг тўловларини ҳисоб-китоб қилиш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва меъёрлар асосида “Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг” компанияси томонидан ишлаб чиқилган услубиятга мувофиқ амалга оширилади.

6.7.2 Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ёки мавжуд меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда, лизинг тўловларини ҳисоб-китоб қилиш услубияти ҳам шунга мос равища ўзгартирилади.

6.7.3 Лизинг берувчи ўз даромади (лизинг маржаси) миқдори, лизинг муддати ҳамда лизинг объекти учун олинадиган аванс миқдори суммасини лизинг бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда мустақил белгилаш ва лизинг олувчини мустақил танлаш ҳуқуқига эга, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно

6.7.4 Лизинг тўловларининг суммаси лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси, лизинг берувчининг даромади, шунингдек, агар лизинг шартномасида назарда тутилган бўлса, лизинг объектини етказиб бериш, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш, рўйхатдан ўтказиш, техник сервис кўрсатиш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлган лизинг берувчининг бошқа харажатларидан иборат бўлади.

Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

6.7.5 Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан лизинг шартномасида кўрсатилган тўлов жадвали асосида тўланади. Тўлов жадвали лизинг шартномасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Лизинг тўловлари лизинг олувчининг ўз хоҳишига қараб, тўлиқ ёки қисман шартномада белгиланган муддатлардан олдин ҳам тўланиши мумкин.

6.7.6 Лизинг тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда лизинг олувчи лизинг тўловини амортизация ажратмалари, фоизлар, комиссion ва қўшимча тўловларга алоҳида ажратиб кўрсатиш орқали аниқластириб беради.

6.7.7 Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

6.7.8 Лизинг тўлови келиб тушганидан сўнг ажратиб кўрсатилган алоҳида тўловлар бўйича лизинг берувчи томонидан тегишли бухгалтерия проводкалари амалга оширилади: амортизация ажратмалари лизинг ҳисоб-китоби олиб борилаётган, ссуда ҳисобварағига мувофиқ кредитга (ёки қарзга) ёзиб қўйиш йўли билан кредитлар (қарзлар)ни тўлашга йўналтирилади. Лизинг учун фоизлар, комиссion ва бошқа тўловлар лизинг берувчининг даромадига ёзилади.

6.8 Лизинг операцияларининг бухгалтерия хисоби ва хисоботида акс эттирилиши

6.8.1 Лизинг операцияларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазириининг 2009 йил 6 апрелдаги 41-сонли буйруғи асосида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 апрелдаги 1946-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти "Ижара хисоби" (6-сон БХМС)" асосида амалга оширилади.

6.8.2 Ушбу "Низом"нинг коидаларидан катъий назар лизинг операцияларининг хисоби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилик меъёрлари асосида юритилади.

6.9 Лизинг шартномасини ёпиш шартлари ва тартиби

Тахрир №0

15 Бет

6.9.1 Лизинг шартномаси тарафларнинг келишувига мувофик муддатидан олдин ёки муддатидан катыйи назар тарафларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргандаридан кейин ёхуд Хўжалик судиникг карори асосида бекор килилади. Шартномада назарда тутилган холларда эса томонлар уз мажбуриятларини бажаришдан бир томонлама бош тортишлари ҳам мумкин.

6.9.2 Тарафлар ўзаро келиша олмаган холатларда лизинг шартномаси Хўжалик суди оркали бекор килинади.

6.10 Якунловчи қоидалар

6.10.1 Мазкур Низомда назарда тутилмаган барча холатлар амалдаги конунчилик мөъёrlари ва тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофик белгиланади.

7. Низом ёзувлари

Ушбу низом кўзда тутган ёзувларни компаниянинг худудий филиаллари қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга бериш ва мониторинг бўлими ва юридик ходимлари олиб боришга масъулдирлар.

8. Низомни сақлаш тартиби

Ушбу низомнинг оригинал нусхаси ДПСК-2.1-02 рақами остида Умумий масалалар бўйича бош мутахасисида сақланади. Ушбу хужжатнинг электрон шаклидаги нусхаси Умумий масалалар бўйича бош мутахасисида шахсий компьютерида PDF форматида сақланади.

9. Иловалар

1-чи илова: Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга олиш учун буюртма шакли;

2-чи илова: Қишлоқ хўжалиги техникасини қабул қилиш – топшириш далолатномаси шакли;

3-чи илова: Лизингга берилган теъникаларга техник мониторинг ўтказганлиги тўғрисида мониторинг далолатномаси шакли.

4-чи илова: Лизинг шартномаси бўйича Лизинг олувчи барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бошқа шаҳс фойдасига воз кечиш тўғрисида шартнома шакли;

5-чи илова: Лизинг олувчи барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бошқа шаҳс фойдасига воз кечиш тўғрисида тўғрисидаги шартномага асосан техникани топшириш – қабул қилиш далолатномаси шакли;

6-чи илова: Техникага мулк ҳуқуқини бериш тўғрисида далолатнома шакли.

Тахрир №0

16 Бет

1-чи илова: Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга олиш учун буюртма шакли;

20__ йилда кишлок хўжалик техникасини лизинга олиш
бўйича ____/_____-сонли Буюртма

20__ йил «__»_____

Буюртма берувчи-хўжалик субъектининг тулик номи_____

Асосий фаолият тури _____

Ташкилий хукукий шакли _____

Руйхатга олинган гувохномасининг раками_____

Юридик манзили_____

Уй манзили:_____

Телефон раками (туман коди)_____ факс_____

Рахбарнинг Ф.И.Ш._____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш._____

Хисоб-китоб раками_____

Банкнинг номи_____

МФО(банкники)_____ ИНН_____

Лизингга олинадиган техниканинг номи ва сони_____

Техникани лизингга олиш муддати_____

Лизинг туловларининг кайтариш кафолати_____

Техникани сотувчи (ишлаб чиқарув) номи _____

Корхона рахбари

(имзо)

М.ў.

(Ф.И.Ш.)

Тахрир №0

17 Бет

2-чи илова: Қишлоқ хўжалиги техникасини қабул қилиш – топшириш далолатномаси шакли ;

ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ - ТОПШИРИШ
ДАЛОЛАТНОМАСИ № ____/____

Тошкент ш.

« ____ » ____ 20 ____ й.

Далолатноманинг тузилган жойи:

“ _____ ” _____

Комиссия қуидаги таркибда:

1. « _____ » ____ вакили _____.
(ишхона номи сотовучи вакилининг мансаби, Ф.И.Ш.,)
2. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК Тошкент вил. ф-л вакили _____.
(лизингга берувчи вакилининг мансаби, Ф.И.Ш., ишхона номи)
3. Тошкент вилояти _____ тумани « _____ » фермер хўжалиги _____.
(ишхона номи, лизингга олувчи вакилининг мансаби, Ф.И.Ш.)

Қуидагиларни тасдиқлаймиз:

Сотовучи ва Лизинг берувчи ўртасида 201 ____ йил “ ____ ” ____ да тузилган УСТ/13- ____ - сонли шартномага мувофиқ, Сотовучи 1 (бир) дона _____ русумли, шасси (рама) № _____, двигатель № _____ рақамли тракторни шартнома талабларига мувофиқ бутлангани ҳамда Гарантия паспорти билан таъминлангани ҳолда ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ нинг 201 ____ йил « ____ » ____ да берилган ____ - сонли ишончнома асосида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ нинг вакилига топшириди.

Ўз навбатида ЛИЗИНГ БЕРУВЧИнинг вакили ушбу техникани ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг вакили иштироқида қабул қилиб олди ва шу вақтнинг ўзида 201 ____ йил « ____ » ____ да тузилган ____ / ____ - сонли лизинг шартномасига ва 201 ____ йил « ____ » ____ да лизинг олувчи томонидан берилган ____ - сонли ишончномага мувофиқ, ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг вакилига топшириди. ЛИЗИНГ ОЛУВЧИнинг вакили ушбу техникани қабул қилиб олди.

Ушбу техниканинг қиймати _____ (_____) АҚШ доллари, ____ . ____ . ____ й.даги
Марказий Банк курси бўйича _____
(_____) сўмни ташкил этади.

Техникани топшириш ва қабул-қилиш вақтида аниқланган дефектлар ва уларнинг характеристи:
Дефектлари йўқ, соз

Комиссиянинг техникани сифати, бутланганлиги ва меъёрда ишлаши бўйича шартнома талабларига жавоб бериши тўғрисидаги хulosаси:

Тўлиқ, наклейкаси бор

Комиссия аъзолари ушбу Далолатномада баён этилган маълумотлар ҳақиқий бўлмаган тақдирда амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгар эканликларини эътироф этадилар.

Комиссия аъзоларининг имзолари:

СОТУВЧИ

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ
«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг»
АЛК Тошкент вилоят филиали
Манзили: Тошкент ш,
кўч. 4А Тел: 244-92-46
Х/р 20210000904364279001
АТ «Агробанк»нинг Тош вил.
бўлими МФО 00454
205249684
ОКОНХ 80300

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ

« _____ » ф/х
Манзил:
_____ тумани
“ _____ ” _____ қ.ф.й.
х/р 2020 8000 _____ филиали
МФО 00 _____ СТИР _____
ХХТУТ _____

(имзо) М.Ў.

(имзо) М.Ў

(имзо) М.Ў.

Компаниянинг “маркетинг, техникаларни лизингга бериш ва мониторинг департаментида:
20 ____ йил “ ____ ” ____ да № _____ ракам билан рўйхатга олинди:

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Тахрир №0

18 Бет

3-чи илова: Лизингга берилган техникаларга техник мониторинг үтказганлиги түғрисида мониторинг шакли.

**Лизингга берилган техникаларга
техник мониторинг үтказилганлиги түғрисида
далолатнома**

- сонли

«_____» 201__ й.

**Техника Хукуматнинг
—сонли карори
асосида берилган.**

1. Лизинг олувчининг юридик манзили _____
2. Телефон (туман коди) _____ Факс _____
3. Раҳбарнинг фамилияси, исми _____
4. Банқдаги хисоб-китоб раками _____
Банкнинг номи _____
МФО _____ ИНН _____
5. Шартноманинг раками _____ ва тузилган санаси _____
6. Шартнома бўйича лизинг киймати _____ минг сўм.
7. Лизинг муддати _____ йил.
8. Мониторинг үтказилаётган техникалар түғрисида маълумот:

Техника русуми	Двигатель рақами	Шасси рақами	Давлат рақами (белгиси)	Техникини	
				лизингга берилган санаси	Шу кунгача ишлаган мото-соати

8.1. Лизингга берилган кишлок хўжалиги техникасининг техник холати бўйича маълумот (техникида Компания номи ёзилган наклейкалар мавжудлиги, унинг тозалиги, техник кисмларининг бутлиги, ёритиш кимсларининг мавжудлиги, гидросистемаларидан мойлар оқмаётганлиги ва хаказо).

Тахрир №0

19 Бет

8.2. Техникага сервис ва доимий техник хизмат кўрсатилиши тўғрисида маълумотлар.

Техникага техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматни бажарувчи ташкилот номи _____

шартнома рақами _____ ва амал қилиш муддати _____

Техника руsumи	Сервис хизмати кўрсатилған вақтдағи маълумотлар				
	Давлат рақами	Хизмат кўрсатилган сана	Мото-соат кўрсатгичи	Хизмат тури	Хизматни бажарган ташкилот

8.3. Техниканинг асосий кисмлари холати бўйича маълумот

Техника руsumи	Двигатель кисми	Шасси кисми, шу жумладан			
		Бортовой кисми	Узатиш кутиси кисми	Юриш кисми	Электр кисми

8.3 Техникани бошқарувчи шахслар тўғрисида маълумот

Техникани бошқарувчи шахс Ф.И.Ш.	Техникани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома рақами	Техникани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳноманинг амал қилиш муддати

8.4. Ўтказилган мониторинг кўриги бўйича лизинг берувчининг хулосаси:

9. Аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича лизинг олувчининг мажбуриятлари:

Лизинг берувчининг вакили

Лизинг олувчининг вакили

(Ф.И.Ш., лавозими, имзо)

(Ф.И.Ш., лавозими, имзо)

Тахрир №0

20 Бет

4-чи илова: Лизинг шартномаси бўйича Лизинг олувчи барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш түғрисида шартнома шакли

20 ____ йил “____” _____ да тузилган _____-сонли Лизинг шартномаси бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бошқа шахс фойдасига тўлиқ воз кечиш түғрисида шартнома

20 ____ йил «____» _____

Тошкент ш.

Ўз Устави асосида иш юритувчи _____ туманидаги “_____” (кейинги ўринларда “Ўтказувчи-лизинг олувчи” деб юритилади) номидан хўжалик Раҳбари _____, бир томондан ва ўз Устави асосида фаолият кўрсатувчи _____ тумани “_____” (кейинги ўринларда “Қабул қилувчи-лизинг олувчи” деб юритилади) номидан Раҳбари _____, иккинчи томондан, Компаниянинг филиали түғрисидаги Низом ва ўзига 2013 йил «30» декарда берилган 53-сонли Ишончнома асосида иш юритувчи “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясининг Тошкент вилояти Филиали (келгусида “Лизинг берувчи” деб юритилади) номидан Филиал директори Б.Каримов учинчи томондан, “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси, 2-қисмига асосан қўйидагилар ҳақида мазкур шартноманини туздилар:

1. “Ўтказувчи-лизинг олувчи”, 20 ____ йил “____” _____ да тузилган _____-сонли лизинг шартномасидаги ўзининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини “Қабул қилувчи-лизинг олувчи” фойдасига тўлиқ воз кечади.

2. “Лизинг берувчи” тарафлар ўртасида тузилган лизинг шартномасидаги “Ўтказувчи-лизинг олувчи” тарафи барча ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини “Қабул қилувчи-лизинг олувчи” фойдасига тўлиқ воз кечишига розилик билдиради.

3. “Қабул қилувчи-лизинг олувчи” Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида 20 ____ йил “____” _____ да тузилган _____-сонли лизинг шартномаси бўйича Лизинг олувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ ўз зиммасига қабул қилиб, унинг ўрнига шартнома тарафи бўлиб қолади.

4. “Қабул қилувчи - лизинг олувчи” ва “Ўтказувчи- лизинг олувчи” лизинг шартномаси асосида 2013 йилнинг “____” _____ ҳолатига кўра ўз муддатида тўланмаган лизинг тўловлари ва пенядан ҳосил бўлган _____ (_____) сўмлик қарздорлик суммасини 15 (ўн беш) банк иш куни ичida Лизинг берувчига солидар тартибда тўлаш мажбуриятини оладилар.

5. “Қабул қилувчи - лизинг олувчи” тарафлар ўртасида тузилган лизинг шартномасининг “Лизинг тўловлари графиги”га мувофиқ мазкур шартнома имзоланган санадан кейинги лизинг муддати даврида тўланиши лозим бўлган _____ (_____) сўмлик лизинг тўловлари суммасини лизинг шартномасида белгиланган муддат ва миқдорларда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Мазкур шартнома асосида барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар “Қабул қилувчи-лизинг олувчи” фойдасига воз кечилгандиги муносабати билан “Ўтказувчи-лизинг олувчи” лизинг шартномаси бўйича аввалдан тўланган барча тўловларни Лизинг берувчидан қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

7. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун ичida “Ўтказувчи-лизинг олувчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни келтириб чиқарувчи қўйидаги ҳужжатларни “Қабул қилувчи-лизинг олувчи”га топшириши шарт, жумладан:

- Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида тузилган лизинг шартномасини (иловаси билан);

- Лизинг шартномасига ўзгартиришлар киритиш бўйича имзоланган “Қўшимча келишув”лар (иловаси билан), агар шундай ҳужжат тарафлар имзоланган бўлса;

8. Ушбу шартнома имзоланганидан кейин 15 (ўн беш) банк куни ичida “Қабул қилувчи- лизинг олувчи”:

“Ўзагросуфурта” компаниясининг туман (шаҳар) бўлинмасидан “Ўтказувчи-лизинг олувчи”нинг лизинг обьектини суғурталаш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзига ўтказилганлиги тўғрисидаги розилик хатини Лизинг берувчига тақдим этади;

9. “Ўтказувчи-лизинг олувчи”: 3 (уч) кунлик муддат ичida Лизинг берувчининг ваколатли вакили иштироқида лизинг шартномаси бўйича лизингга олинган _____ дона _____ русумли лизинг обьекти бўлган (рама № _____, двигатель № _____) техника (трактор)ни ва унинг

Тахрир №0

21 Бет

техник паспортини ўрнатилган тартибда “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” асосида
“Қабул қилувчи-лизинг олувчи”га топширади.

10. “Қабул қилувчи-лизинг олувчи” лизинг объектини қабул қилиб олганидан кейин уни 10 (үн) кунлик
муддат ичидә “Бошдавтехназорат”нинг туман бўлинмасида рўйхатдан ўтказади, ягона давлат рақами
белгиси ва техник талонни ўз номига қайта расмийлаштиради (агар, лизинг обьекти трактор ёки
трактор тиркамаси бўлса).

11. Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида 20___ йил “___” _____ да тузилган
—сонли лизинг шартномасининг мазкур шартнома билан дахл қилинмаган шартлари
ўзгартирилмасдан қолади ва тарафлар улар бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлайдилар.

12. Мазкур шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва
зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

13. Низони музокара орқали ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, низо талабнома билдириш
тартибига риоя қилингандан кейин Тошкент вилоят хўжалик судида кўриб чиқиласди.

14. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун
хужжатлари асосида тартибга солинади.

15. Мазкур шартнома тарафларнинг ваколатли вакиллари имзолаган ва имзолар муҳр билан
тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради ҳамда лизинг шартномасида белгиланган лизинг тўловларининг
умумий суммаси тўлиқ тўланган муддатгача амалда бўлади.

16. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилиб, биринчи нусхаси-Лизинг
берувчига, иккинчи нусхаси- “Ўтказувчи-лизинг олувчига, учинчи нусхаси-“Қабул қилувчи-лизинг олувчи”га
берилади.

ТАРАФАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

“ЎТКАЗУВЧИ –
ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ”

фермер хўжалиги

х/р: 2020 8000
МФО _____
ИНН _____

Раҳбари _____

Имзо _____
М. Ў.

“ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ”

“Ўзкишлокхўжаликмашлизинг” АЛК
Тошкент вилояти Филиали
Тошкент ш., Абай кўчаси, 4а-уй
ОАТБ “Агробанк” Тошкент вилояти филиали
Х/р: 2021 0000 9043 6427 9001
МФО: 00 454
ИНН: 205 249 684
Филиал директори Б.Каримов

Имзо _____
М. Ў.

Бош бухгалтер _____

Юристконсульт _____

“ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ –
ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ”

фермер хўжалиги

х/р: 2020 8000
МФО _____
ИНН _____

Раҳбари _____

Имзо _____
М. Ў.

Тахрир №0

22 Бет

5-чи илова: Лизинг олувчи барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан бошқа шаҳс фойдасига воз кечиши түгрисидаги шартномага асосан техникини топшириш – қабул қилиш далолатномаси шакли
ТЕХНИКАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ-ТОПШИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 ____ й. «__» _____ тумани

Далолатнома тузилган жой: _____
Далолатноманинг тузилган вақти: _____

**ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ ва МУЛК ЭГАСИ ҳисобланган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг”
компанияси Тошкент вилоят филиали номидан ваколатли шахс _____;**

“Ўтказувчи-лизинг олувчи” “_____” _____ номидан унинг
Раҳбари _____, тарафлар ўртасида 20 ____ йил “____” _____ да уч
томонлама тузилган Шартномага мувофиқ ҳамда Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўртасида 20 ____ йил
“____” _____ да тузилган _____-сонли лизинг шартномаси бўйича Лизинг олувчининг
барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини “Қабул қилувчи - лизинг олувчи” зиммасига тўлиқ ўтказилганлиги
муносабати билан:

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИНИНГ расмий рухсати асосида - Лизинг обьекти ҳисобланган _____ (_____) дона
русумли, шасси (рама) № _____, двигатель № _____,
ТЕХНИКА (номи кўрсатилилади) _____ бутлангани ва Гарантия паспорти билан
таъминлангани ҳолда “Ўтказувчи-лизинг олувчи”нинг вакили томонидан “Қабул қилувчи-лизинг
олувчи”нинг вакилига топширилди.

“Қабул қилувчи-лизинг олувчи”нинг вакили ушбу ТЕХНИКАНИ ҳамда Лизинг берувчи ва Лизинг
олувчи ўртасида 20 ____ йил “____” _____ да тузилган _____-сонли лизинг
шартномасини **ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ**нинг вакили иштироқида қабул қилди ва ушбу ТЕХНИКАНИ
“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниясининг МУЛКИ эканлигини тан олади.

ТАРАФЛАРНИНГ ИМЗО ва РЕКВЕЗИТЛАРИ:

ЎТКАЗУВЧИ ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ _____	ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ _____	ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Тошкент вилоят филиали Манзили: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4 ^а -уй Тел: 244-92-46 ОАТБ “Агробанк” Тошкент вилояти филиали Х/р: 2021 0000 9043 6427 9001 МФО: 00 454 ИНН: 205 249 684 _____ (имзо) М.Ў
Манзили: _____ _____	Манзили: _____ _____	_____ (имзо) М.Ў
Тел: _____ Х/р _____ (банк номи) _____	Тел: _____ Х/р _____ (банк номи) _____	_____
МФО _____ ИНН _____ ОКОНХ _____ _____	МФО _____ ИНН _____ ОКОНХ _____ _____	_____

Тахрир №0

23 Бет

6-чи илова: Техникага мулк ҳуқуқини бериш түғрисида далолатнома шакли.

ТЕХНИКАГА МУЛК ХУҚУҚИНИ БЕРИШ ТҮҒРИСИДА ДАЛОЛАТНОМА

№ _____ /424

Шасси № _____

Двигатель № _____

« ____ » ____ 2014 йил

Тошкент шаҳар

Далолатноманинг тузилган жойи: Тошкент шаҳри

Далолатноманинг тузилган вақти: 10⁰⁰

Ушбу далолатнома қуидаги комиссия таркибида:

1. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛКнинг Тошкент вилоят филиали директори Б.М.Каримов
2. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛКнинг Тошкент вилоят филиали бош ҳисобчиси М.Қиличов
3. _____ тумани «_____» фермер хўжалик раҳбари: _____
4. _____ тумани «_____» фермер хўжалик бухгалтери: _____

Қуидагиларни тасдиқлайдилар: «Лизинг берувчи» - «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛКнинг Тошкент вилоят филиали билан «Лизинг олувчи» - _____ тумани «_____» фермер хўжалик ўртасида 20____ йил «____» _____ да тузилган ____/____-сонли лизинг шартномасига асосан, 1 (бир) дона _____ русумли (техника) етказиб берилган.

«Лизинг олувчи» томонидан лизинг шартномасида белгиланган _____ (_____) сўмлик лизинг шартномаси суммасини тўлиқ тўланганлиги муносабати билан, «Лизинг берувчи» ушбу техникага бўлган мулк ҳуқуқини Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг түғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси ҳамда шартнома шартларига биноан, 2014 йил «____» _____ дан бошлаб «Лизинг олувчи»га ўтганлигини тан олади.

Томонлар ўз бухгалтерия хужжатларини ушбу Далолатномага мувофиқ расмийлаштирадилар.

Комиссия аъзолари ушбу Далолатномада баён этилган маълумотлар ҳақиқий бўлмаган тақдирда амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгар эканликларини эътироф этадилар.

Комиссия аъзоларининг имзолари:

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ РАҲБАРИ

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ РАҲБАРИ

БОШ ҲИСОБЧИ

БОШ ҲИСОБЧИ

Тaxrip №0

24 Бет

10. Низомни тарқатиш тартиби

Бўлинмаларга хужжатни тарқатиш рўйхати		Сана
ДПСК-2.1-01	Тахрир №0	Кучга кириш санаси:
Тарқатилиши лозим бўлган хужжат номи	“ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНГ” АКЦИЯДОРЛИК ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ	
№	Хужжат тарқатилиши лозим бўлган бўлинма ёки лавозим номи	
1	Бошқарув раиси	
2	Бошқарув раиси ўринбосари	
3	Маркетинг, техникани лизинггага бериш ва мониторинг бўлими	
4	Компаниянинг худудий филиаллари қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш ва мониторинг бўлимлари	
5	Компаниянинг худудий филиаллари бухгалтерия бўлимлари	
6	Компаниянинг худудий филиаллари юридик хизмати	
Ишлаб чиқувчининг имзоси	Хужжатларни бошқарувчи ходимнинг имзоси	

11. Танишишларни рўйхатга олиш варағи